

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ
ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕРГОВЧИ ВА ТЕЗКОР БЎЛИНМА
ХОДИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Комилов Ҳаким Қувандик ўғли

Хуқуқни муҳофаза қилиши Академияси

Тергов фаолияти магистратура тингловчиси

Аннотация. Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноятлар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинояти учун жавобгарликни белгилаш ҳамда унга имкон берган сабаб ва шароитларнинг олдини олиш, ушбу жиноятга қарши курашишда терговчи ва тезкор бўлинма ходимлари ҳамкорлигини такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда..

Таянч сўзлар. ўзлаштириш, растрата, талон-торож қилиш, терговчи, тезкор-қидирув, терговчи ва тезкор бўлинма ходимлари ҳамкорлиги.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддасида ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгалиги, ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас²⁵ лиги белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида ҳам “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” эканлиги кафолатланган²⁶. Фуқароларнинг ушбу конститутивий ҳуқуқларига тажовуз қилувчи жиноятлардан бири – бу мулкни талон-торож қилиш ҳисобланади. Мулкни талон-торож қилиш фуқаролар, давлат ва жамиятнинг мулкий манфаатларига катта заرار етказилиши туфайли ушбу қилмишларни олдини олиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда босқичма-босқич ва изчил равишда чуқур иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотлар суд-хуқуқ тизимини ҳам қамраб олган. Зоро, ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш мамлакатдаги давлат органлари тизимининг нормал фаолият юритиши, ҳар қандай замонавий давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва суверенитетини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бир қаторда, бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан тадбиркорлик фаолиятининг эркин ривожланиши, мамлакатда ишбилиармонлик муҳитини тубдан яхшиланиши, хусусий тадбиркорлик субъектларининг жаҳон

²⁵ <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

²⁶ <https://lex.uz/docs/20596#39094>

бозорига чиқиши ҳамда эркин фаолият олиб боришини таъминлаш шароитида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, хусусан, тадбиркорларни, уларнинг мол-мулкларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишининг ҳуқуқий механизмларини кучайтириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, бу борадаги мавжуд механизмларни ислоҳ этиш – ҳозирги кунда жиноят ҳуқуқи соҳаси олдидағи долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида истиқболли дастурлар орқали изчил ва босқичма-босқич суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилаётган бугунги кунун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, статистикага назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар йиллар кесимида олиб қаралганда, 2019 йилда 7538 та, 2020 йилда 10005 та, 2021 йилда 33959 та ва 2022 йилда 30736 тани ташкил этганлигини кўриш мумкин²⁷.

Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноятлар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинояти учун жавобгарликни белгилаш ҳамда унга имкон берган сабаб ва шароитларнинг олдини олиш, ушбу жиноятга қарши курашишда терговчи ва тезкор бўлинма ходимлари ҳамкорлигини такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу нуқтаи назардан “жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш” суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

REFERENCES:

1. Дарслик. Криминалистика под редакцией доктора юридических наук профессора /Н.П.Яблокова. Москва, Юрист, 2001. 191-бет. .
2. И.А.Данилкин. Диссертация: Проблемы совершенствования взаимодействия следственных и экспертно-криминалистических подразделений. Волгоград, 2008. 39-б.
3. А.Н.Балашов. Взаимодействия следователей с органами дознания при расследовании преступлений. Учебно-методическое пособие. Издательство «Юридическая литература». Москва 1979

²⁷ Бош прокуратуранинг “1-Я” хисоботидан.

4. И.Ф.Герасимов. Некоторые проблемы раскрытия пресуплений. Свердловск, Среде-Уральское книжное издательство.2015 105-6.

5.Lydia Ginzburg's. Alternative Literary Identities / Ed. by Emily Van Buskirk and Andrei Zorin. Oxford: Peter Lang, 2012.